

## 1946-1991 ЙИЛЛАРДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЛИБОСЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Гайбуллаева Юлдуз Анваровна  
Тошкент шаҳридаги Вебстер  
университети доценти

**Аннотация:** Ҳар бир тарихий даврнинг ўз модаси бўлиб ва тарихий жараёнда у ўзгариб, кишиларнинг диди, талаб ва эҳтиёжларини қондириб келган. Молада такрорланишлар ҳам бўлиб турган. Бу такрорланиш айнан ўша шаклнинг қайтарилиши эмас, балки янги услуб, муайян давр талаб дорасида бўлган. Аёллар модаси тез ўзгариб турган. Шунинг учун ҳам аёллар модаларга сезгирроқ бўлган. Мазкур мақолада шулар ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** Аёллар модаси, Совет даври, оёқ кийими, бош кийимлари, психологик ҳолат.

**Аннотация:** Каждый исторический период имеет свою моду, и в историческом процессе она менялась, удовлетворяя вкусы, запросы и потребности людей. Были и повторы в моде. Это повторение было не совсем возвращением той же формы, а новым стилем, которого требовала определенная эпоха. Женская мода быстро менялась. Именно поэтому женщины более чувствительны к моде. В этой статье они обсуждаются.

**Ключевые слова:** женская мода, советское время, обувь, головные уборы, психологическое состояние.

**Abstract:** Every historical period has its own fashion, and in the historical process it has changed, satisfying people's tastes, demands and needs. There were also repetitions in fashion. This repetition was not exactly the return of the same form, but a new style, a certain era demanded. Women's fashion was changing rapidly. That is why women are more sensitive to fashion. This article discusses them.

**Key words:** Women's fashion, Soviet era, footwear, headgear, psychological state.

Совет даврида анъанавий аёллар кийимлари янги нусхадаги кийим турларига секин-асталик билан алмаштирила бошланди. Буни миллий кийимлар ва мода ўртасидаги муносабатлар деб аташ мумкин. Бироқ, бунга тўхталишдан аввао совет даврида “мода” деганда нима тушунилганлигини аниқлаштириб олишимиз лозим. Совет даврида нашр этилган модага оид журналлар бирида “мода”га қуйидагича таръриф берилган: “Қимматли ўқувчиларимиз “мода” сўзини эшитган ва ўзлари ҳам бу сўзни кўпдан ишлатиб келадилар, албатта[1]. Кўйлакнинг бир нусхаси, оёқ кийими, бош кийимлари ва ҳатто уй-рўзғор буюмлари ҳақида ҳам “ҳозир шу мода бўлган” деб гапирилади. Лекин, ҳар бир янги нусха мода бўла верадими? Йўқ, албатта. Демак, ҳозирги кунда кўпчиликка ёққан ва расм бўлган нарсаси мода бўла олади. Устки кийимга келганимизда, кўнгилга уриб кетган эски нусха ўрнига янги бир форма мода бўла олади”[2].

Совет даврида янги мода кийимларини аёллар ёш гуруҳига кўра турлича қабул қилган. Бу кўпроқ психологик ҳолат билан боғлиқ бўлган. Масалан, ёш қизлар одатда янги андозадаги кўйлакларни кийган ва уларни тез қабул қилган



бўлса, ўрта ёшли аёллар янги кўйлак моделларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлган ва улардан онда-сонда фойдаланган. Ёши катта аёллар эса ушбу янги модел кўйлакларини бутунлай инкор этган. Шу сабабли янги моделдаги кўйлаklar биринчи ёш қизлар фойдаланган, кейинчалик аста-секин улар ўрта ёшли аёллар кийган ҳамда бу кўйлак анча жамият кўзига мослашиб бўлгандан сўнг ёши катта аёллар фойдаланган[3].

Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг аёллар кийими бўйича янги тенденциялар содир бўлган. 1950-1960 йилларда ўзбек аёллар гардеробларида “европа” андозасидаги кўйлаklar ҳам учрай бошлади. Масалан, улардан бири “татьянка” андозасидаги кўйлаklar эди. Мазкур даврдан бошлаб айнан фабрика кийим маҳсулотлари кўпая бошлаган. Натижада турли вилоятлардаги аёллар бир кўринишдаги кўйлаklarни кийиш кучая бошлаган[4].

Бугунги кунда маълумки, аёллар учун янги кийим андозалари дизайнерларнинг ижодий тасавури орқали яратилган моделлар ҳисобланади. 1945-1991 йилларда тикувчилик фабрикалари бошқа усулда ишлаган. Яъни, у вақтда янги кийим андозалари дизайнер-рассомларнинг ижодий тасавури орқали юзага келмаган, балки хотин-қизларнинг кийимга бўлган талаби ўрганилган ҳамда шундан сўнг уларнинг хошишига қараб янги кийим андозалари яратилган. Бунда кўпроқ аёллар талаблари ҳисобга олинган бўлиб, ижодий фантазия иккинчи даражали бўлган. Дизайнер-рассомлар асосан ўз ижодларини хотин-қизлари хошишини қандай юзага келтиришга қаратган. Бунинг асосий сабаби тикувчилик фабрикалари Тошкент Модалар уйидан шуни талаб қилган. Чунки шундай бўлган тақдирда тикувчилик фабрикалари ўзлари ишлаб чиқарган аёллар кийимларини тезроқ сота олган.

Бошқа томондан, дизайнер-рассомлар турли мода журналларни кузатиб борган. Уларнинг аксарият қисми чет эл мода журналлари ҳисобланган. Хусусан, улар “Бурда” журналинини доимий тарзда кузатиб борган ҳамда ундан янги кийим андозаларини ўрганган. “Бурда” журналининг бошқа мода журналдан афзал томонидан бири уларда кийимларнинг тайёр андозаси ҳам берилган. Шу сабабли, улар тайёр олган ҳолда кийимларни ишлаб чиқариш мумкин эди. Яъни, қисман бўлсада, дизайнер-рассомлар фақатгина аҳоли талаби бўйича чегараланиб қолмасдан, балки дунёдаги янги кийим андозаларини ҳам амалиётга жорий қилишга ҳаракат қилган[5].

Хулоса қилиб айтганда, 1945-1991 йилларда Ўзбекистонда хотин-қизлар кийимлари трансформацияга учради. Хусусан, мазкур даврда бир қанча янги кўйлак турлари четдан кириб келди ёки республикадаги мутахасислар томонидан яратилди. Мазкур янги кўйлак андозалар асосан ёшлар орасида урфга айлана





бошлади. Шу билан биргаликда, ўрта ва катта ёшли аёллар анъанавий кийим-кечаклардан фойдаланишни давом эттираётган эди. Бу даврда “Модалар уйи”нинг ташкил топиши янги андозадаги кўйлақларнинг яратилишига олиб келган. Бу жараёнда модельерлар муҳим ўрин тутган. Модельерлар, шу билан биргаликда, янги кийимларни реклама қилиб борган. Мазкур даврда хотин-қизлар кийимларини ишлаб чиқиш ҳам ривожланиб борди. Жумладан, бир қанча фабрикалар ташкил этилди. Янги ташкил топган ва мавжуд фабрикалар совет ҳокимиятининг топшириғи асосида маҳсулотлар сонини ошириб борган. Шунингдек, хотин-қизлар иш, маросим, кўча ва уй учун алоҳида кўйлақлар тиктириш ривожланди.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юсупов Э. Исмоилов Ф. Инсон одоби билан. Тошкент. 1983. Б. 142.
2. Нудельман А. Модалар ҳақида. // Ўзбекистон хотин-қизлари. 1956, № 7. Б. 31.
3. Зунунова Г. К истории узбекской национальной одежды (развитие ва трансформация женской одежды в Ташкенте в XX века). // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Тошкент. 1999. Б. 96.
4. Зунунова Г. К истории узбекской национальной одежды (развитие ва трансформация женской одежды в Ташкенте в XX века). // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Тошкент. 1999. Б. 97.
5. Оғзаки сўров маълумотлари.